

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Наманган вилоят педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш инситути

Педагогика ва педагогик технологиялар кафедраси

**ИЛҒОР ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИ
АМАЛДА
ҚЎЛЛАШ КУРСИ БЎЙИЧА**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Наманган – 2011 й

Ушбу маърузалар матни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги “Ўқитувчиларнинг илғор педагогик ва ахборот технологиялари бўйича назарий ва амалий билимларини ошириш тадбирлари ҳақида” ги №153-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларининг илғор педагогик технологиялар бўйича назарий ва амалий билимларини ошириш курси намунавий ўқув режаси” асосида тайёрланган бўлиб, “Илғор педагогик технологиялар ва уларни амалда қўллаш” курси бўйича малака ошириш институтлари барча тойифалар бўйича тингловчилар, профессор – ўқитувчилар, методистлар, шунингдек умумтаълим мактабларининг замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий этаётган педагоглари учун мўлжалланган.

Тузувчилар: Н.Орзикулова- Педагогика ва педагогик
технологиялар кафедрасининг катта ўқитувчиси

Ё.Хожиматова - Педагогика ва педагогик
технологиялар кафедрасининг ўқитувчиси

К. Юлдашева – Педагогика ва педагогик
технологиялар кафедрасининг ўқитувчиси

Такризчилар: А.Абдурахмонов – педагогика фанлари фанлари
номзоди, доцент
Қ.Жўраев – педагогика фанлари номзоди, доцент.

Мазкур маърузалар матни Наманаган ВПҚТМОИ нинг 200__й ____
____ даги илмий кенгашида маъқулланиб (____ сонли бённома)
фойдаланиш учун тавсия этилган.

ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ КУРСИ БЎЙИЧА

Давлат талаблари

- Педагогик технология тушунчасини, унинг мазмун – моҳиятини билиши;
- Педагогик технологиялар таълим мақсадини амалга оширишдаги ўрни ва мавқеини тушиниб етиш;
- Педагогик технологияларни қўллаш принципларини эгаллаш;
- Таълимий ва ишчанлик ўйинларини билиши;
- Муаммоли ривожлантирувчи таълим методларини англай олиши;
- Ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил қилиш ва таъмиллаш йўллари билиши;
- Ўқувчи фаолиятини баҳолай олиши;
- Ўқув жараёнини технологиялаштириш ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- Педагогик мулоқот асосларини тушиниб етиши;
- “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да ўқитувчи ва ўқувчи шахсига қўйилган талабларни билиши;
- Педагогик менежмент асосларини эгаллаши;
- Педагогик технологияларни қўллашда вақт чегараси масаласини англаб етиши;
- Ўқитувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаш маҳоратини ошириш усуллари эгаллаши;
- Кўргазмали ўқитиш усуллари билиш ва қўллай олиши;
- Илғор педагогик технологияларни қўллаб намунавий – имитация ўқув машғулотларни ташкил эта билиши;
- Таълим – тарбиянинг фаоллаштирувчи усуллари билиши англай олиш ва эгаллашлари керак.

КИРИШ
Ҳар қандай илғор педагогик технология “Ўқитувчи – таълим - ўқувчи” тамойилига асосланади.

Б. Фарберман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларида ўрганишни ташкил этиш ва унда берилган йўналишларнинг ижросини таъминлаш ҳозирги куннинг энг муҳим устувор вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари маърузасида давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустақамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Президентимиз ўз маърузасида мустақил тараққиётимизнинг ўтган даври, айниқса, охириги ўн йилликда амалга оширган ишларимизни чуқур таҳлил этиб, шу билан бирга, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасидаги навбатдаги вазифаларни белгилаб берди. Энг асосийси, бу мақсадларга қайси йўллар билан эришиш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида қандай қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги ҳақида аниқ таклифларни илгари сурди.

Президентимиз ўз маърузасида қуйидаги йўналишларни демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида белгилаб берди.

1. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ.
2. СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ.
3. АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.
4. ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.
5. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ.
6. ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ.

Шуни таъкидлаш лозимки, Концепция ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда демократик тараққиётни янги юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 2010 йил 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш - тараққиётимизнинг муҳим омилидир” мавзусида маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислохотлар замирида Конституциямизда мустақамланган ҳуқуқ ва асосий тамойиллар мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

Эркин ва фаровон жамият куриш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида эришаётган барча муваффақиятларимиз Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосларга қатъий амал қилиб келаётганимизнинг самарасидир.

Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги – 2011 йилни мамлакатимизда **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”** деб эълон қилишни таклиф этди.

2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусида маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида мамлакатда танланган иқтисодий ривожлантиришнинг ўз модели ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган, чуқур ва ҳар томонлама ўйланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берганлиги қайд этилди.

- «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳақида тушунчалари, Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг узлуксизлиги, узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари, таълим турлари ва уларнинг мазмуни, таълимда узвийлик ва узлуксизликнинг аҳамияти ҳақидаги тингловчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва ундаги шахснинг ўрни ва роли ҳақидаги, кадрлар тайёрлашда ўқитувчи ва тарбиячининг тутган ўрни ҳамда уларга қўйилган замонавий талаблар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» вазифаларини амалга оширишнинг учинчи босқичида фаол иштирок этишга ундаш. Миллий истиқлол ғояси педагогиканинг бош методологик асоси сифатида барча таълим муасасаларида мафкуравий тарбиянинг бугунги кун талаблари даражасига кўтаришнинг аҳамияти ҳақида тушунча, билим бериш.

Демократик ислохотлар йўлига қадам қўйган мустақил Ўзбекистон Республикасига ўқимишли, ҳар томонлама етук баркамол фуқаролар керак. Айнан, “Шахс” тушунчаси миллий таълимнинг шакл ва тамойилида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дарсга замонавий талаблар асосида ёндашишни талб этади.

Шахсни тарбиялаш – “Таълим тўғрисида” ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да Республика таълим ходимлари зиммасига ўта маъсулятли вазифалар юклайди. Бу вазифани амалга ошириш жараёни ўқувчиларни ўқитишга янгича ёндашиш, ўқитувчиларни ўз касбига ва ўзгаларга, яни таълим олувчиларга талабчанлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Педагогик жараёнининг эскириб қолган технологиясини янгисига алмаштириш, замонавий мактабга давр талаблари асосида ёндашиш, дарга эса янгича усулларининг лойҳасини тадбиқ этиш асосий вазифалардан бирига айланмоқда.

Янги педагогик технологиянинг авзаллиги замон синовидан ўтиб, интерфаол дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим омл эканлиги ўз исботини топмоқда.

Бу борада тажриба тўплаган татқиқотчилар педагогик технология дарсининг муваффақиятларини кафолатловчи омил эканлигини таъкидлаб, педагогик фаолиятларни илмий лойҳалаштириш, уни амалга ошириш, лойҳалаштирилган таълим – тарбия жараёнини амалиётга аниқ ва кетма – кет тадбиқ қилиш хусусида ўз фикр мулоҳазаларини омманинг диққат эътиборига ҳавола этаётир.

Таълим – тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш келгуси тараққиётимизнинг асоси эканлиги маълум. Бу ҳақда Президентимизнинг куйидаги сўзлари ибратлидир:

«Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги кунни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Бунинг учун ҳар қайси ота – она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан кеиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш таълим – тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади» (И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. «Маънавият», 2008. 61-бет.).

Қўлланмада шу намунавий ўқув режадаги мавзулар бўйича асосий маълумотлар келтирилган. Булар барча педагоглар учун замонавий педагогик технологияларнинг асосий турлари, хусусиятлари, назарий асослари, улардан амалда самарали фойдаланиш бўйича йўл-йўриқлар, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни киритиш меҳна-низми жараёни ҳақидаги маълумотлардан иборат.

Ижодий муҳит – ижодкор шахсни шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, жамоада соғлом муҳитни яратиш орқали таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ўзаро ҳамкорлик асосида муаммоларнинг ечимларини топиш аниқ мақсадли натижаларни кафолатлаш демакдир. Ижодкорлик – кишининг ўз қизиқиши ижодий намуналарига янгилеклар киритишга кенг имкониятлар очадиган машғулотлар билан шуғулланишга интилишларида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган кишилар доимо ўзлари қизикқан соҳага ижодий фаолиятида бирон бир ўзгариш ясаш, янгилек киритишга ҳаракат қиладилар.

Ижодий муҳитнинг кўринишлари: 1) Ўзгалар эҳтиёжини ўрганиш; 2) Ўзгалар табиатини ҳис қилиш; 3) Самимий муносабат 4) Вазиятни тўғри баҳолай олиш; 5) Яхши таассурот; 6) Ўзгалар учун аҳамиятлироқ бўлиш; 7) Адолатли ёндашув; 8) Ўзгалар руҳиятига таъсир қилиш; 9) Ўзгаришқўлчанлик; 10) Ўзгалар ҳаётига қизиқиш; 11) Шахс “мен”ини ҳурматлаш; 12) Рағбатлантириб бориш.

Ўқитувчилардаги ижодий изланувчанлик сифатлари қуйидагича:

1. Шахнинг ижодий фаоллиги;
2. Ўзлигини англаб етиши;
3. Танқидий тафаккурга эга бўлиши;
4. Мустақил ва эркин фикрлаши;
5. Ўз фаолиятини тўғри белгилаб олиши;
6. Мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатиши;
7. Миллий – маданий қадриятларни чуқур англаш;
8. Топқирлик ва ҳозиржавоблилик;
9. Донолик;
10. Камтарлик;
11. Юморга бой бўлиш;
12. Бир неча тилда мулоқатга кириша олиш;
13. Компьютер саводхонлиги.

1-Мавзу: Педагогик технологиялар тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи.
(2соат маъруза)

Мақсад: Курс тингловчиларига илғор педагогик технологиялар тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, шунингдек методикадан фарқи ҳақида маълумотлар бериш, уларнинг бу борадаги билим, қўникма ва малакаларини ривожлантириш ўқув жараёнида улардан фойдаланиш йўллариини ўргатиш.

Қутилаётган натижа:

1. Курс тингловчилари илғор педагогик технологияларнинг мазмун моҳиятига тушиниб етадилар.
2. Курс тингловчилари таълим жараёнида педагогик технологияларнинг методикадан фарқини англаб етадилар, шунингдек уларга берилган тарифлар билан танишадилар.

Кўргазмалар: тарқатма материаллар ва мавзу бўйича слайдлар

Режа:

1. “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўқитувчининг касбий тайёрганлиги, методик маҳорати самарали фаолияти халқ таълими тизимининг ислох қилишнинг омили эканлиги.
2. Педагогик технология таърифи ҳақида.
3. Таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технологияларнинг мазмун моҳияти.
4. Педагогик технологияларнинг асосий йўналишлари. (Эмпирик, когнитив, эвристик, креатив, инверсион, адаптив, инклюзив).
5. Педагогик технологияларнинг методикадан фарқи.

Ҳозирги кунда таълим тизимида “Таълим тўғрисидаги Қонун”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни мактаб амалётига тадбиқ этишнинг якуний босқичи давом этмоқда. Таълим самарадорлигини ошириш давлат таълим стандартларининг бажарилишини таъминлаш, таълимнинг сифат кўрсаткичини кафолатлашида замонавий педагогик технология хал қилувчи омиллардан бўлиб бормоқда.

Амалдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларидан келиб чиқиб таълим йўналишларида муайян янгилликлар, ўзгаришлар дастлабки ижобий натижаларни бера бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” тўғрисидаги Фармони умумий Ўрта таълим мактаблари ривожига маълум бир ўрин тутди. Ушбу Фармон муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг буйруқ ва кўрсатмалари эълон қилиндики, уларнинг ҳар бирида мактаб истикболи, раҳбар вазифаси, қолаверса, ёшларимизнинг буюк келажаги ўз аксини топган.

Агар Президент И. А. Каримовнинг бу Фармонида диққат билан назар солсак, унда умумий Ўрта таълим мактабининг барча муаммо ва масалалари комплекс тарзда Ўртага қўйилганлигини кўрамиз. Бунда мактаблар биносини яхшилаш ҳамда уларни ўқув-моддий техника билан таъминлашни бирламчи вазифа сифатида қайд этиш билан бирга таълим сифати, ўқувчининг юксак интеллект соҳиби бўлишига эришиш масаласи ҳам диққат марказига қўйилган, шунингдек мактаб инфратузилмасини тубдан ислох этиш масаласи, умумий ўрта таълим тизимида қўлланилаётган таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш мақсадида педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини

оширишни самарали ташкил этиш, мактабларни олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминлаш даражасини танқидий таҳлил қилиш, ўқитувчилар меънатини кадрлаш ва рағбатлантириш, айниқса, уларни қишлоқ мактабларида муқим жойлашиб қолиши масалаларига эътибор қаратиш, мавжуд аҳволни ўрганиш, зарур тақдирлар киритиш ва ҳукумат даражасида чора - тадбирларни белгилаш топширилган.

Маълумки 2009 йилни президентимиз И.А.Каримов томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар йили” деб эълон қилинди. Биз педагоглар курс тингловчиларига бунинг асосий моҳиятини тушунтириб беришимиз лозим. Бунинг учун давра суҳбатлари учрашувлар стендлар ташкил қиламиз.

Педагог технологиялар ўқув жараёнида ўқувчи ва ўқитувчи доимий изланишга, узулуксиз ўз устида ишлашга ундайди.

Таълим жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилиши нафақат ўқитувчи касбий маҳоратининг ўсишига, педагогик фаолиятда зарур бўлган ахборот манбаларини излашга, изоҳлашга, педагогик муаммолар ечимини топишга, балки педагогик вазиятларнинг барча нозик томонларини тушуниш, изоҳлаш, таҳлил ва талқин этиш ва англашга ижобий ёрдам беради.

Педагогик технология нима? Технология сўзи ўзи нимани англатади? Бу сўз фанга қачон кириб келди?

Янги педагог технология таълимнинг маълум мақсадга йўналтирилган шакл, усул ва воситалар тизимидир.

Технология тушунчаси техникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда фанга 1872 йилда кириб келди ва юнонча 2 сўздан “Технос” – Санъат, ҳунар ва “Логос” – фан сўзларидан ташкил топиб “Ҳунар фани” маъносини англатади. Шу маънода технологияни маълум маънода санъатга қиёс қилинади. Чунки санъат интуицияга асосланади, технология эса фанга асосланади. Лекин жуда кўп фаолият соҳалари дастлаб санъатдан бошланади ва технология билан тугайди.

Технология - шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонуниятларини ўзида жо қилган ва якуний натижани таъминлайдиган ва қафолатлайдиган педагогик фаолиятдир. Технология тушунчаси регулятив (тартибга солиб турувчи) таъсир этиш кучига эга бўлиб, назариячи- олимлар ва ўқитувчиларни янгича тафаккурлашга, эркин ижод қилишга ундайди.

Педагогик технология тушунчаси кенг қўламли, серқирра тушунча бўлиб, у таълим-тарбия амалиётини ривожлантириш эҳтиёжлари асосида келиб чиққан ва ҳозирда барча фанларда ўз ўрнига эга.

Таълим - тарбия фаолиятининг мазмуни, мақсад ва вазифалари даврлар ўтиши билан кенгайиб бориши натижасида унинг шакл ва усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда инсон фаолиятининг асосий йўналишлари шу фаолиятдан кўзда тутилган мақсадларни тўлиқ амалга ошириш имкониятини берувчи яхлит тизимга, яъни технологияга айланиб бормоқда. Шу асосда таълим-тарбия соҳасида сўнгги даврда педагогик технология амал қила бошлади.

Ишлаб чиқаришдаги технологияда турли материалларга ишлов бериш тегишли касб усталари томонидан амалга оширилади. Педагогик технологияда эса ишлов бериладиган материал ўқувчи (таълим олувчи)нинг ақлий, руҳий, ахлоқий сифатлари бўлиб, уларга ўқитувчи, тарбиячи томонидан маълум мақсадларга эришиш йўлида ҳар турли таъсирлар ўтказилади.

Педагогик технология тушунчаси XX асрда пайдо бўлиб, қуйидаги ривожланиш босқичларидан ўтиб келмоқда.

Дастлаб бу тушунча 1940 йиллардан 50-йиллар ўртасигача «таълимда технология» деб қўлланилиб, ўқув жараёнида **аудиовизуал техника воситаларидан фойдаланишни** ифода қилган.

Педагогик технология тушунчаси дастлаб XX асрнинг ўрталарида АҚШда қўллана бошлаган. Бунда “педагогик технология” ва “таълим технологияси” ифодалари фақат техника воситалари ёрдамида ўқитишга нисбатан қўлланган эди.

Орадан вақт ўтиши давомида шу ифодаларни қўллаш даражаси кенгайиб бориши натижасида уларнинг маънолари ҳам тегишлича ўзгариб борди. Ҳозирга келиб эса педагогик технология ифодасининг замонавий- илмий асосланган ягона таърифини белгилаш мақсадида бир қанча йirik олимлар томонидан турли фикрлар ва ҳулосалар асослаб берилди.

50-йиллар ўртасидан 60-йилларгача «таълим технологияси» ифодаси қўлланилиб, бунда **программалаштирилган таълимни** назарда тутилган.

70-йилларда «педагогик технология» ифодаси қўлланилиб, у аввалдан **лойиҳалаштирилган ва аниқ белгиланган** мақсадларга эришишни қафолатловчи ўқув жараёнини билдирган.

1979 йилда АҚШнинг Педагогик коммуникациялар ва технологиялар ассоциацияси томонидан педагогик технологияга қуйидагича таъриф берилган эди: «Педагогик технология билимларни ўзлаштиришнинг ҳамма жиҳатларини қамаб олувчи муаммони таҳлил қилиш ва режалаштириш, таъминлаш, муаммонинг ечимини баҳолаш ва бошқариш учун одамлар, ғоялар, воситалар ва фаолиятни ташкил қилиш усулларини ўз таркибига оладиган **комплекс, интегратив жараёндан** иборат...».

80-йилларнинг бошидан педагогик технология деб таълимнинг **компьютерли ва ахборот технологияларини** яратишга айтилган.

Шу айтилганлар асосида педагогик технология бир жиҳатдан ўқув жараёнида техника воситаларидан фойдаланишнинг кенгайиб боришини ифодалаб, уни таълимдаги, ўқитишдаги технология деб номлаш мумкин бўлса, иккинчидан, таълим технологияси ёки педагогик технология деган ном **ўқув жараёнининг ўзини қуриш технологиясини** билдиради деб ҳулоса чиқариш мумкин.

Педагогик технологиянинг ҳар турли таърифлари мавжуд бўлиб, ҳар бир таъриф маълум нуктаи назардан ёндашишни ифодалайди. Айрим асосий таърифлар ва уларнинг шарҳларини кўриб чиқамиз:

Технология- бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган усуллар, йўллар йиғиндиси.

Технология-ишлов бериш, аҳволни ўзгартириш санъати, маҳорати, қобилияти, методлар йиғиндиси (В. М. Шепель).

Педагогик технология-ўқитишнинг, таълимнинг шакллари, методлари, усуллари, йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус йиғиндиси ва компоновкаси (жойлашуви)ни белгиловчи психологик тартиблар (установка)лар мажмуаси; у педагогик жараёнинг ташкилий - услубий воситаларидан иборат (Б.Т. Лихачев).

Педагогик технология ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятнинг кафолатли оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир. (В.П. Беспалько).

Педагогик технология-таълимнинг режалаштириладиган натижаларига эришиш жараёни тафсилоти (И. П. Волков).

Таълим технологияси-дидактик тизимнинг таркибий жараёنли қисми (М. Чошанов).

Педагогик технология-ўқув жараёнининг ўқувчилар ва ўқитувчи учун сўзсиз қулай шароитлар таъминлашни лойиҳалаш, ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ҳамма деталлари ўйлаб чиқилган биргаликдаги педагогик фаолият модели (В. М. Монахов).

Педагогик технология-техника ресурслари, одамлар ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини қўйувчи ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг ҳамма жараёнларини яра-тиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методи (ЮНЕСКО).

Педагогик технология педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган барча шахсий, инструментли ва методологик воситаларнинг тизимли йиғиндисини ва амал қилиш тартибини билдиради (М.В.Кларин).

Педагогик технология бу-сўзсиз риоя қилиш энг юқори натижани кафолатлайдиган кўрсатмалар эмас, балки қонуниятлар бўлиб, уларнинг амалий аҳамиятидан иборат (В.Ю. Питюков).

Педагогик технология — бу тизимли фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараёни муайян бир тизимга келтиришдир (Сакомато).

Педагогик технологиянинг моҳияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришишдан иборат бўлиб, уни татбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини илгаридан лойиҳалаштиришда намоён бўлади (У. Нишоналиев).

Педагогик технология — бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароит ва кетма -кетликда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини шакллантириш жараёнидир (Н.Сайдахмедов).

Педагогик технология — бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, шахснинг олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини тизим сифатида қараб, уни ташкил этувчилар, яъни ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини ва таълим натижасини назорат жараёнида баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир (Б.Зиёмухамедов).

Педагогик технология бу — объектив, моддий жараён. Агар биз ўқув-тарбия жараёнидан унинг объектив, моддий (субстанциялик) жиҳатини ажрата олсак, шунда биз техно-логияга, энг камида унинг тафсилотига эга бўламиз (В.К. Дьяченко).

Педагогик технология — бу ўқитишга ўзига хос янги (инновацион) ёндашувдир. У педагогикадаги ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий рўннинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади (Б.Л. Фарберман).

Педагогик технология турли муаллифлар (манбалар) нинг барча таърифлари мазмунини ўзида мужассам этувчи умумлаштиришдан иборат (Г.К.Селевко).

Юқорида келтирилган айрим таърифларнинг ўзаро ҳар хиллигидан кўринадики, педагогик технология тушунчаси кўп қиррали бўлиб, унга педагогик, психологик, дидактик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа нуктаи назарлардан ёндашиш мумкин.

Ҳозирги таълим-тарбия соҳасида кенг ривожланиб бораётган йўналишлардан бири замонавий педагогик технологияларни қўллашдан иборат.

Маълумки, таълим — тарбия жараёни катта авлод томонидан ўз билим ва тажрибаларини ўсиб келаётган авлодга ўргатишдан иборат бўлиб, бу жараёнда асосан инсон ҳаёти учун зарур ахборотларни авлоддан авлодга узатиш амалга оширилади.

Инсоният ҳаёти ахборотлар билан чамбарчас боғлиқ. Бошқача айтганда, инсоннинг ҳар бир ҳаракати ахборот олиш ёки узатиш ёки ундан фойдаланиш ёки уни ўрганиш, ўзлаштириш, сақлаш ва бойитишдан иборат.

Педагогик технология-таълим методлари, усуллари, йўллари ҳамда тарбиявий воситалар йиғиндиси; у педагогик жараёнинг ташкилий -усубий воситалари мажмуидир.

Педагогик технология - бу ўз олдида таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини қўйувчи, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини техник ресурслар ва одамларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методидир.

Педагогик технология - маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ва

ўзлаштириш жараёнидан иборат.

Демак, педагогик технология-инсонга (таълим - тарбия олувчига) олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятдан иборат.

Педагогик технология ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

Педагогик технология жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчи мустақил равишда билим олади, ўрганади, ўзлаштиради.

Бу фаолиятни амалга ошириш уни ташкил қилиш, олиб бориш, такомиллаштириш, таҳлил қилиш, тадқиқ қилиш, киёслаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш, бошқариш, назорат, баҳолаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Бу фаолият бошқа ҳамма фаолиятларга хос бўлган белгиларга эга бўлиб, аввало жараён кўринишида амалга оширилади ва шу кўринишда мавжуд бўлади. Шу билан бирга бу жараён ўзига хос қонуниятларга эга бўлиб, бу қонуниятларни инсоният томонидан ўрганиш давом этмоқда.

Педагогик фаолият ва унинг методикалари кўринишида педагогик технология ўзини тўлиқ намоён қилади. Педагогик технологиянинг ҳаракатга келиши ва ундан кўзда тутилган натижага эришиш фақат педагогик фаолият жараёнида амалга оширилади. Чунки педагогик технология ва педагогик фаолият бир-биридан ажратиш қийин тушун-чалар ҳисобланади ва уларнинг бири иккинчисисиз ўз маъносини ва аҳамиятини йўқотади.

Ўқув фанларининг сони кўплигини ҳисобга олганда, педагогик фаолиятнинг кўп қисми хусусий (ўқув фанлари) педагогик технологияси учун сарфланади. Шунинг учун хусусий фанлар даражасидаги педагогик технологиялар кўпроқ тарқалган. Шу айтилганлар асосида педагогик технология, энг аввало, педагогик фаолият ва унинг методикалари кўринишида намоён бўлади ва ривожланиб боради, деб ҳисоблаш мумкин.

Педагогик технология барча ўқув фанлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳамда ўзининг мунтазам ривожланиб боришини кадрлар тайёрлаш орқали таъминлаб туради.

Педагогик технологиянинг юқорида айтилган кўринишларининг асосий белгиларини аниқлаш ва умумлаштирган ҳолда қисқа шаклда ифодалаш орқали унинг асосий таърифини ва бошқа белгиларини аниқлаш мумкин.

Педагогик технологиянинг асосий йўналишлари

Педагогик технологиянинг йўналишлари кўп бўлиб, улардан айримлари қуйидагилар:

Ҳозирги анъанавий таълим. XVII асрда Я.А.Коменскийнинг дидактик тамойиллари асосида шаклланиб, ҳозирда дунёдаги мактабларда энг кўп қўлланаётган синф - дарс тизимидан иборат. Замонавий педагогик технологиялар асосан шу тизимни турли йўналишларда такомиллаштириш мақсадида яратилиб, ҳозирда турли йўналишларда ривожланмоқда.

Педагогик жараёни такомиллаштириш, уни ўқувчи шахсига йўналтиришга асосланган педагогик технологиялар: Ҳамкорлик педагогикаси, таълимнинг инсонпарварликка асосланган технологияси ва бошқалар.

Ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги педагогик технологиялар. Муаммоли таълим, ўйинлар, таянч сигналлар конспектлари технологиялари ва бошқалар.

Ўқув материални дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаб чиқишга асосланган педагогик технологиялар. Бу технологиялар ўргатилаётган билимларнинг дидактик тизими чуқур мазмунга эга бўлиши, билимларга тизимли нуқтаи назардан ёндашиш, ўқувчиларга билимларни эгаллашнинг энг мақсадга мувофиқ йўллари ўргатиш каби тамойилларга асосланади.

Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилишга асосланган педагогик технологиялар. Бу технологияларга табақалаштирилган, индивидуаллаштирилган, дастурлаштирилган таълим технологиялари; таълимнинг жамоа усули, гуруҳли, компьютерли таълим - технологиялари кабилар қиради.

Табиатга мувофиқлаштирилган педагогик технологиялар. Буларга ўқувчининг табиий имкониятлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг табиий имкониятлари ва бошқа табиатга мувофиқ имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни амалга оширишга асосланган педагогик технологиялар қиради.

Ривожлантирувчи таълим технологиялари. Буларга ўқувчи шахсининг ижобий сифатларини, айрим соҳалардаги билимларини, ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологиялари қиради.

Булардан ташқари **хусусий (ўқув фанлари)** педагогик технологиялари, **альтернатив** ҳамда **муаллифлик** педагогик технологиялари йўналишлари ҳам мавжуд.

Шунингдек, ҳозирда педагогик технологияларнинг бошқа йўналишлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари эмпирик, когнитив, эвристик, креатив, инверсион, интегратив, адаптив, инклюзив педагогик технологиялардан иборат. Бу йўналишларнинг асосий хусусиятлари қуйида-гича:

Эмпирик — (тажриба) сезги аъзолари орқали билим олиш. Бу технологияда асосий эътибор сезги аъзоларининг табиий ривожланганлик имкониятларига таянган ҳолда билим бериш ва уларни янада такомиллаштириб боришга қаратилади.

Когнитив — (билишга оид) атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар доирасини кенгайтириш технологияси. У таба-қалаш (таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш) тафаккурини шакллантиради, билиш эҳтиёжларини ривожлантиради.

Эвристик — (ҳақиқатни топиш) йўналтирувчи саволлар бериш йўли билан таълим бериш тизими. Топкирлик, фаолликни ривожлантиришга хизмат қилувчи, ўқув-изланиш таълим методи. Оптималлашган (кўп вариантлардан энг маъқулини, мосини, мувофиғини танлаш) тафаккурни ривожлантиради.

Креатив — (ижодий) тадқиқот характериға, хусусиятиға эға бўлиб, ўқувчиларда мақсадға йўналтирилган ижодий тафаккурни жадал ривожлантиради.

Инверсион — (алмаштириш) ахборотларни турли томондан ўрганиш, ўрнини алмаштириш хусусиятиға эға бўлиб, тафаккур (фикрлаш) тизимини шакллантиради.

Интегратив — (яхлитлаш) ахборотларни ташкил қилувчи чексиз кўп кичик қисмларнинг ўзаро ажралмас боғлиқлиғи уларнинг яхлитлиғи, бир бутунлиғи асосида ягона тўғри хулосани аниқлаш.

Адаптив — (мослаштириш) ахборотларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш жараёнини ўрганиш ҳамда ўргатиш учун қулайлаштириш, мослаштириш асосида қутилган натижаға эришиш.

Инклюзив — (тенглик) ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатларида тенглик асосида таълим тарбия жараёнини ташкил қилиш. Шу билан бирға, имконияти чекланган ўқувчиларни соғлом ўқувчилар билан бирғалиқда ўқишини ташкил қилиш педагогик технологияси.

Педагогик технологиянинг асосий йўналишлари ҳозирги анъанавий таълимни турли йўналишларда такомиллаштириш мақсадларида яратилиб, ҳозирда ривожланиб бормоқда. Турли фан ўқитувчилари томонидан ҳар бир ўқув фанининг асосий хусусияти, мазмунининг таркиби, амалий, назарий қисмларининг нисбатига мувофиқ равишда энг қулай педагогик технологияларнинг эмпирик, когнитив, эвристик, креатив, инверсион, адаптив, инклюзив ва бошқа йўналишларини тўғри танлаш жиддий аҳамиятға эға.

Ҳозирда педагогик технологиянинг юқорида айтилган-лардан ташқари тегишли мутахассислар томонидан тажриба - синовлар олиб борилаётган бошқа йўналишлари ҳам мавжуд.

Педагогик технология билан методика орасидаги фарқ

Педагогик технология билан методика орасидаги асосий фарқлар ўзига хос мезонлар, модуллар ва алгоритмларға эға бўлиб, улар қуйидагилар:

Педагогик технологиянинг мезонлари

Таълим шакллари, усуллари, услубий тизимлари хусусий методикалар кўринишида ҳосил бўлган бўлиб, улар тако-миллашиб бориши жараёнида технологияға ўсиб ўтади.

Технология универсал хусусиятға эға бўлиб, уни ҳар бир мутахассис томонидан амалға ошириш, бир хил даражада бажариш ва кўзда тутилган мақсадға эришиш мумкин. Унинг методикадан асосий фарқи шундаки, методика ўқитиш усуллари ва йўллариининг маълум шахс учун қулай бўлган мажмуасидан иборат.. Методика ўқи-тувчининг билим, кўникмалари, маҳорати, шахсий сифат-лари, темпераментиға боғлиқ. Буни дастурлаштирилган таълим технологияси билан В.Ф. Шаталовнинг таянч сигналлар конспектлари воситасидаги жадал (интенсив) ўқитиш методикаси орасидаги фарқни солиштиришда кўриш мумкин.

Шу асосда технологияларнинг асосий мезонларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Маълум илмий асосға, концепцияға таяниш.
2. Тизимлилик, ўқув-тарбия жараёни ва унинг қисм-ларининг ўзаро мантиқий боғлиқлиғи.
3. Самарадорлиғи, таълим стандартлариға эришишни кафолатлаши, сарфлаш талаб қилинадиган вақт, куч ва воситаларнинг меъёр даражасида эканлиғи.

4. Бошқалар томонидан қайта амалға ошириш мумкинлиғи.

Таълимнинг кафолатланган натижа берадиган технологик жараёнини яратиш йўлидаги дастлабки қадам 60-йилларда яратилган программалаштирилган таълим бўлган эди. Бунда ўқувчи тўлиқ ўзлаштиргунча бажариши лозим бўлган барча вазифалар аниқ кетма-кетликда батафсил ишлаб чиқилган дастур тузилади.

Бу дастур таълим мақсадида кўзда тутилган сифатдаги билим ва кўникмаларни ҳар бир ўқувчи ўзлаштиришини кафолатлаши лозим. Ўзлаштириш жараёнининг бориши ҳақида ўқитувчи билан бирға ўқувчининг ўзига ҳам ахборот этиб туради. Ўқувчи мантиқий боғланган қисқа вазифаларни маълум кетма-кетликда бажариш орқали деярли хатоларсиз асосий мақсадға этиб бора олади.

Бундай техноуоғия ўқув жараёнини тўлиқ незорат қилиш имкониятини ҳосил қилади. Бунда мантиқий боғ-ланган қисқа вазифалар кетма-кетлиғи таълим жараёнининг алгоритмини ҳосил қилади. Ўқувчи ва ўқитувчи фаолия-тининг шундай алгоритм асосида ташкил қилиниши кўзда тутилган мақсадға эришишни кафолатлайди. Таълим жараёнининг шундай тартибда ташкил қилинишини ҳозирда тўлиқ маънода педагогик технология деб аташ мумкин.

Педагогик технология таълим олувчилар ва тарбия-ланувчиларға педагоглар томонидан касбий педагогик мақсадларни амалға оширувчи таъсир кўрсатилишини ташкил қилиш тизимини белгилайди.

Педагогик технология педагогик фаолиятни аниқ мақсадлар асосида ташкил қилиш ҳамда унинг технологик-лиғини назорат қилиш имкониятини беради.

Педагогик технология тизими педагогик мақсадларнинг аниқ амалга оширилишини таъминлайди.

Технологик тизимнинг асосий белгиси қутилган натижага эришишни кафолатлаш билан ажралади. Бунинг учун асосий мақсадга эришишнинг ҳар бир босқичида бажарилиши лозим вазифалар, бунинг учун талаб қилинадиган воситалар ҳамда методлар аниқ модулар ёки алгоритмлар ҳосил қилади.

Нотехнологик тизим (хусусий методикалар)да эса қутилган натижага эришиш кафолатланмайди.

Педагогик технология рационал асосдаги илмий мезон-ларга асослангани ҳолда унинг янада ривожланишида интуитив (эмпирик) билимлар ҳам аҳамиятга эга. Шу маънода технологияни маълум маънода санъатга қиёс қилинади. Чунки санъат интуицияга асосланган, технология эса фанга асосланади. Лекин жуда кўп фаолият соҳалари дастлаб санъатдан бошланади ва технология билан тугайди. Сўнгра ҳаммаси бошидан бошланади. Педагогик технологиянинг ривожланиш жараёнларида ҳам ушбу ҳолатларни кузатиш мумкин. Фанга мувофиқ қурилган педагогик ама-лиёт педагогик технологиядир.

Ўқувчилар ва таълим берувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларда аввалдан белгиланган сифатларнинг шаклланишига олиб келадиган изчил амалий фаолиятларини педагогик технология деб ҳисоблаш мумкин.

Педагогик технология (ёки таълим технологияси) бор-йўғи ва энг асосан таълим оловчи ёки тарбияланувчининг таълим-тарбия жараёнида қандай фаолиятни ва қандай даражада амалга оширишидан иборат.

Ўқувчининг ўрганилаётган материални (мазмунни) си-фатли ўзлаштиришини таъминловчи изчил амалий фаолияти таълим технологияси бўлиши мумкин.

Педагогик технология билан методика орасидаги айрим фарқлар

Ҳозирги кунда педагогик технология ҳақидаги аниқ тушунча ва тасаввурлар бирмунча камлиги натижасида уни хусусий методикалар билан деярлик тенг ҳисоблаш ҳоллари учрайди. Аслида эса улар орасида жиддий фарқлар мавжуд бўлиб, қуйида улар ҳақида қисқача баён қилинади.

Методика — бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси. У алоҳида методикаларга ажралади. Педагогика фани маълум ўқув фанларини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади. Масалан, тиллар методи-каси, арифметика методикаси ва шу кабилар.

Методиканинг педагогик технологиядан фарқини тушуниш ва амалда ҳар иккисидан унумли фойдалана билиш талаб қилинади. Улар орасидаги айрим фарқлар қуйидагича.

Педагогик технология билан методика орасидаги айрим фарқлар

Асосий тушунчалар	Педагогик технология	Методика
Таърифлар	Педагогик технология инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таълим-тарбиявий таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат.	Методика маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадқиқ қилади.
Мақсад	Комил инсонни шакллантириш	Алоҳида ўқув фанларини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишларнинг сифатли бўлишини таъминлаш
Қўллаш миқёси	Барча таълим – тарбия жараёнида	Хусусий фанларни ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда
Воситалар	Барча таълим - тарбиявий воситалар, хусусий методикалар	Алоҳида ўқув фанларини ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда қўлланиладиган воситалар
Педагогик жараён	Таълим ва тарбия технологияси асосида. Таълим менежменти ва маркетинги асосида. Таълим-тарбия соҳасидаги энг илғор тажрибаларни умумлаштирувчи лойиҳалар асосида ривожланиб боради. Етарли тайёргарликка эга мутахассислар томонидан қўлланганда ўзаро ўхшаш натижалар олиниши таъминланади.	Таълим - тарбия методикаси асосида ижодкор ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларга таяниб ривожланади. Хусусий тажрибалар асо-сида бойитиб борилади. Бир муаллифнинг илғор педагогик тажрибасини ҳамма педагоглар айнан қўллай олмайдилар. Бунда натижалар ҳар кимда ҳар хил бўлади. Педагогик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади.

Натижа кафолати		Олдиндан белгиланган мақсадга ҳар бир ўқитувчи ўз имкониятларига мувофиқ турли даражада эришади. Шу сабабли, талаб даражасидаги натижа кафолатланмайди. Асосан ижодкор ўқитувчиларгина яхши натижага эришадилар.
Келиб чиқиши	Хусусий методикаларнинг ривожланиши натижасида келиб	Таълим – тарбиянинг турли хусусий масалаларини ҳал қилиш зарурати натижасида келиб чиққан.

Ушбу фарқлар ҳақидаги масала юзасидан қуйидаги фикрни эслаш мумкин. “Аслида замонавий таълим методлари муқаддас қизиқувчанликни ҳозирча батамом бўғиб ташламагани деярли мўъжиза, чунки бу нозик ниҳол (яъни, қизиқувчанлик) рағбатлантириш билан бир қаторда, энг аввало, эркинликни талаб қилади, бўлмаса, у шубҳасиз, маҳв бўлади”.

(А. Эйнштейн).

Бу ерда таълим методлари қизиқувчанликка етарлича эркинлик бера олмаслиги назарда тутилмоқда. Педагогик технология эса боланинг қизиқувчанлигини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган.

2-Мавзу: Педагогик технология турлари ва дарс модуллари.

(2 соат маъруза)

Мақсад: Курс тингловчиларига педагогик технологиялар турлари ва дарс модуллари ҳақида маълумотлар бериш уларнинг бу борадаги билимларини бойитиш, ривожлантириш ва мустахкамлаш.

Кутилаётган натижа:

Курс тингловчилари педагогик технология турлари ва дарс модуллари ҳақида маълумотларга эга бўладилар, уларнинг бу борадаги билимлари бойитилади, ривожлантирилади ҳамда мустахкамланади.

Кўргазмали қуроллар: Жадваллар, слайдлар ҳамда таркатма материаллар, мавзу бўйича воситалар.

Режа:

1. Педагогик технологиялар турлари.
2. Педагогик технологияларни турли фанлар билан боғлиқлиги.
3. Педагогик технологияларни таснифлаш.
4. Дарс модуллари ва алгоритмлар ҳақида тушунчалар.

Педагогик технология турлари

Ҳозирда педагогик технологияларнинг турлари кўп бўлиб, улар бир-биридан, юқорида айтилгандек айрим аолҳида йўналиш ва мақсадларга асосий эътибор қаратилгани билан фарқланади.

Педагогик технология жараёнларини ўрганишнинг соддалаштирилган таркибини қуйидагича тушуниш мумкин:

Тушунтириш - ахборотнинг маъно-мазмуни, ундан фойдаланиш тартибини турли восита ва усулларни қўллаб, тушунтирувчининг ўзи тушунган даражада бошқаларга етказиш фаолиятидан иборат жараён.

Тушуниш - ахборотнинг маъно мазмунини идрок қилиш, ундан кўрсатилган тартибда мустақил фойдалана олиш.

Ўргатиш - ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларини ўргатувчини ўзи ўрганган даражада бошқаларнинг такрорлай олишини турли восита ва усулларни қўллаб амалга ошириш фаолиятидан иборат жараён.

Ўрганиш - ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш.

Ўзлаштириш тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно мазмуни ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

Ўзлаштириш шартли равишда қуйидаги 3 та даражага ажратилади:

1. Ўргатилган билим кўникмаларни тўғри такрорлаш;
2. Уларни амали фаоиятда қўллаш, улардан тегишли мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;
3. Уларни ижодий таҳлил қилиш, киёслаш, умумлаштириш, хулласалар чиқариш асосида такомиллаштириш фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлиш.

Шу билан бирга, педагогик технологияларнинг шаммасида ҳам бир дек қўлланиладиган ва таълим - тарбия жараёнинг тарихий таркиб топишида ва ривожланиб боришида хал қилувч аҳамиятга эга бўлган асосий таркибий элементлар сўзлаш, кўрсатиш ва машқлар бажаришда иборат бўлиб улар ўзаро қуйдагича кетма - кетликда амал қилади.

Дидактик ўйин технологиялари

Дидактик ўйинлар технологиялари ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган. Улар ўқувчи шахсидаги ижодий имкониятларни рўёбга чиқариш ва ривожлантиришнинг амалий ечимларини аниқлаш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга.

Дидактик ўйинларнинг асосий турлари: интеллектуал (ақлий) ва ҳаракатли ҳамда аралаш ўйинлардан иборат. Бу ўйинлар иштирокчиларда ақлий, жисмоний, ахлоқий, психологик, эстетик, бадиий, тадбиркорлик, меҳнат ва бошқа кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Таълим - тарбия жараёнида асосан ўқувчиларда таълим олиш мотивларини, уларнинг турли йўналишдаги қobiliят ва қизиқишларини оширадиган, бирор касбга мойиллик-ларини кўрсатадиган дидактик ўйинлардан фойдаланилади. Дидактик ўйинлар назарий, амалий, жисмоний, роқли, ишчанлик ва бошқа йўналишлар бўйича турларга ажратилади. Ҳозирда компьютер воситасидаги дидактик ўйинлар алоҳида ўринга эга бўлиб бормоқда.

Дидактик ўйинлар ўқувчиларда таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, тадқиқ қилиш, ҳисоблаш, ўлчаш, ясаш, синаш, кузатиш, солиштириш, ҳулоса чиқариш, мустақил қарор қабул қилиш, гуруҳ ёки жамоа таркибида ишлаш, ахлоқ - одоб ўргатиш, нутқ ўстириш, тил ўргатиш, янги билимлар ўргатиш ва бошқа фаолият турларини ривожлантиришга йўналтирилган ўйинларга ажратилади.

Дидактик ўйинлардан амалда фойдаланиш орқали бошқа усуллар ёрдамида эришиш қийин бўлган таълим - тарбиявий мақсадларни амалга ошириш кўзда тутилади. Турли ўқув фанларига оид дидактик ўйинлар мавжуд бўлиб, улар шу фанларни сифатли ўргатиш мақсадларига хизмат қилади.

Умумий ўйинлар назариясига кўра, мавжуд барча ўйин турларини таснифлашда уларни функционал, мавзули, конструктив, дидактик, спорт ва ҳарбий ўйинларга ажратилади. Буларнинг орасида дидактик ўйинлар таълим-тарбия вазифаларини амалга ошириш имкониятини бериши билан алоҳида ўринга эга. Ўйинлар мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолият шакли ҳисобланади. Бу эса педагог ва психолог олимлар томонидан шу ёш давридаги ўйинларнинг таълим - тарбиявий аҳамиятини ўрганиш ва янада ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилишига асос бўлди.

Натижада, олдинги асрнинг 60 - йиллари бошидан АҚШ да, сўнгра бошқа ғарб мамлакатларида ишчанлик ўйинлари қўлланила бошланди. Ишчанлик ўйинлари тадқиқотчилари бу усулни энг асосий, самарали ва тежамли таълим методларидан иборат деб таъкидлаганлар.

Дидактик ўйинларнинг яна бир тури — ақлий ҳужум усулини биринчи марта 1939 йилда А.Ф.Осборн қўллаган. Бу усулни ғоялар банки деб ҳам номланган. У муаммоларни қуйидагича ечишга асосланади:

- муаммоли вазият яратиш;
- ғояларни шакллантириш;
- энг яхши ғояларни текшириш, баҳолаш ва танлаш. Гуруҳ иштирокчиларига муаммони аниқлаш ва уни ечиш бўйича иложи борица кўп, баъзан, батамом қутилмаган ғояларни бериш учун энг қулай шароит яратилиши ақлий ҳужум машғулоти самарадорлигини белгилайди. Бунда педагогнинг маҳорати ҳамда ўқувчиларнинг тайёргарликлари қанчалик юкори эканлиги асосий омил ҳисобланади.

Педагогик технология кўринишлари

Педагогик фаолиятда “Технология” атамасининг қўллана бошлаши билан педагогик амалиёт, унинг назарий жиҳатлари ҳамда улар ҳақидаги билдирилаётган мулоҳазалар бирмунча юкори илмий даражага кўтарилмоқда.

Педагогик технология ҳозирги замондаги дидактика ва педагогика тараққиётининг маҳсули. Уни педагогиканинг ҳозиргача мавжуд бўлган ҳамда такомиллашиб келаётган барча асосий йўналишлари бўйича амалий вазифаларни янада юкорироқ даражада амалга ошириш йўлидаги янги босқич деб ҳисоблаш мумкин.

Шу нуқтаи назарлардан педагогик технологияни аввало ҳозирги педагогика фани тараққиёти натижасида ҳосил бўлган янги йўналиш деб ҳисоблаган ҳолда, унинг ўзига хос бўлган тамойиллари, қоидаларини чуқур ўрганиб бориш ва пировардида қонуниятларини аниқлаш йўлидаги муаммоларни ечиш лозимлиги кўриниб турибди.

Педагогик технология аввало таълим-тарбияни янада ривожлантириш эҳтиёжларини қондириш йўлидаги инсонлар (педагоглар, ота - оналар, жамоатчилик) фаолиятидан иборат ижтимоий ҳодиса ҳисобланиши лозим.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисалар каби педагогик технологияни ҳам илмий жиҳатдан ўргануви фан соҳаси мавжуд бўлиб, уни **педагогик технология фани** деб номланади. Шу педагогик технология фани ўз навбатида замонавий таълим - тарбиянинг энг мақсадга мувофиқ йўллари ва усулларини тадқиқ қилувчи назарий фан ҳамда ўқув фани турларига ажралади.

Шу билан бирга педагогик технология амалий фаолият йўналиши сифатида ўқув – тарбия жараёнида қўлланиладиган тамойиллар, алгоритмлар ва бошқарув тизими ҳамда бевосита таълим – тарбия жараёнини ўз ичига олади.

Педагогик технология ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан ўзаро боғлиқ равишда шаклланиб ва ривожланиб бориши натижасида турлича кўринишларда намоён бўлади. Булар педагогик технологиянинг қуйидаги кўринишларидан иборат: ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-

тарбия тизими, жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари ҳамда алоқадор фанларнинг илмий – тадқиқот соҳаси.

Педагогик технология **ижтимоий ҳодиса** сифатида таълим – тарбия масалалари билан боғлиқ мотивлар: эҳтиёж, талаб, манфаат, қизиқиш, мақсадлардан келиб чиқади ва уларни амалга ошириш учун хизмат қилади. Шу билан бирга худди шундай мотивлар ҳар бир шахсда, оилада ҳам мавжуд. Жамият ҳар бир аъзосининг таълим - тарбия даражаси ортиб бориши шу жамият ва давлатнинг ривожланишидаги энг асосий шартлардан ҳисобланади.

Бу шартнинг бажарилиши эса ўз навбатида, педагогик технологиянинг қанчалик юқори даражада эканлигига боғлиқ. Бундан эса педагогик технология шахс, оила, жамият, давлат ҳаёти учун катта аҳамиятга эга ижтимоий ҳодиса эканлиги кўринади.

Педагогик технология **назарий фан** сифатида педагогика фанининг алоҳида йўналишини ташкил қилади. Ўз мақсади, вазибалари, муаммолари, методологияси ва бошқа назарий асосларига эга. Ўз муаммоларини ҳал қилишда бошқа кўп фанлар билан боғлиқликларга эга.

Педагогик технология назарий фан сифатида таълим-тарбия соҳасида кафолатли натижага эришиш бериш даражасини ошириш муаммоларини тадқиқ қилиш билан шуғулланади.

Ўқув фани кўринишида педагогик технологияларни ижтимоий ҳодиса, назарий фан, таълим-тарбия тизими, жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари, алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси сифатида турли таълим муассасаларида белгиланган ўқув дастури асосида ўргатишдан иборат.

Таълим – тарбия тизими кўринишида педагогик технология белгиланган таълим - тарбия фаолиятини амалга ошириш учун хизмат қилувчи моддий таъминот ва маънавий кадрлардан иборат. Бунга ўқув режа, дастурлар ва дидактик воситалар ҳам қиради. Бу тизим бошқа ижтимоий тизимлар каби тегишлича махсус тайёргарликка эга мутахассислар меҳнати орқали фаолият олиб боради.

Ҳозирда бу тизим узлуксиз таълим босқичларидан ташкил топган. Узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларида педагогик технологиялар жорий қилиниши билан бу тизимнинг тўлиқ шаклланиши амалга оширилади.

Педагогик технологияни **таълим - тарбия жараёни** сифатида иштирокчиларининг фаолиятлари орқали амалга оширилади. Бу жараёнинг пировард мақсади баркамол инсонни шакллантириш ва ривожлантириш бўлиб, асосан қуйидагилардан таркиб топади:

- таълим-тарбия бериш;
- ахборотларни авлоддан-авлодга узатиш;
- мустақил фикрлашга ўргатиш;
- билим, кўникма, малакаларни ўргатиш ва ўзлаштирилишига эришиш;
- турли методикаларни қўллаш ва такомиллаштириш;
- диагностика, мониторинг олиб бориш;
- инсонпарварлик, халқпарварлик, мафкуравий тамойилларга асосланиш;
- ўқувчининг тайёргарлик даражасини, психологик, физиологик, ёш хусусиятларини, гигиеник талабларни ҳисобга олиш;
- таълим менежменти, маркетинги талаблари ва ҳулосаларини, ижтимоий мотивларни ҳисобга олиш.

Педагогик фаолият ва унинг методикалари кўринишида педагогик технология ўзини тўлиқ намоён қилади. Педагогик технологиянинг ҳаракатга келиши ва ундан кўзда тутилган натижага эришиш факат педагогик фаолият жараёнида амалга оширилади. Чунки педагогик технология ва педагогик фаолият бир - биридан ажратиш қийин тушунчалар ҳисобланади ва уларнинг бири иккинчисисиз ўз маъносини ва аҳамиятини йўқотади.

Ўқув фанларининг сони кўплигини ҳисобга олганда, педагогик фаолиятнинг кўп қисми хусусий (ўқув фанлари) педагогик технологияси учун сарфланади. Шунинг учун хусусий фанлар даражасидаги педагогик технологиялар кўпроқ тарқалган. Шу айтилганлар асосида педагогик технология, энг аввало, педагогик фаолият ва унинг методикалари кўри-нишида намоён бўлади ва ривожланиб боради, деб ҳисоблаш мумкин.

Алоқадор фанларнинг илмий тадқиқот соҳаси сифатида педагогик технологияларнинг турли фанлар билан боғлиқликлари яққол кўринади. Педагогик технология кенг қўламли ижтимоий ҳодиса бўлиб, у кўп фанларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Бунда ҳар бир фан ўз мақсад ва вазибаларига мувофиқ йўналишларда педагогик технологияни чуқур ўрганиши натижасида уни такомиллаштириб бориш йўл-йўриқлари белгилаб борилади.

Педагогик технология барча ўқув фанлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳамда ўзининг мунтазам ривожланиб боришини кадрлар тайёрлаш орқали таъминлаб туради.

Педагогик технологиянинг юқорида айтилган кўринишларининг асосий белгиларини аниқлаш ва умумлаштирган ҳолда қисқа шаклда ифодалаш орқали унинг асосий таърифини ва бошқа белгиларини аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирда педагогик технологияни ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, таълим - тарбия жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари ҳамда алоқадор фанларнинг илмий - тадқиқот соҳаси кўринишларида мавжуд деб ҳисобланади.

Педагогик технология даражалари

Юқорида айтилганлар асосида педагогик технологияларни умумпедагогик, хусусий (ўқув фанлари) ва кичик технологиялардан иборат учта даражага ажратилади.

Умумпедагогик технология турли даражадаги тизимларни ифодалайди. У айрим ҳудуддаги, тумандаги, таълим муассасасидаги ёки таълимнинг айрим поғонасидаги барча таълим - тарбия жараёнига тегишли бўлади. Умумпедагогик технология ўз ҳудуди ёки таълим муассасасидаги таълим - тарбиявий мақсадлар, мазмун, воситалар, бошқарув шакли ва усуллари, ўқув-тарбия жараёни иштирокчилари фаолиятининг алгоритмларини белгилайди.

Хусусий технология таълим - тарбия мазмунининг айрим йўналишларини амалга ошириш усуллари ва воситалари мажмуасини ўз ичига оловчи педагогик тизимларни қамраб олади. Бунга айрим фанларни ўқитиш технологиялари, раҳбарнинг, ўқитувчининг, тарбиячининг ва ўқувчининг ишлаш технологиялари қиради.

Кичик технологиялар ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида қисмларини ўз ичига олади. У айрим дидактик ва тарбиявий масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади! Буларга дарслар технологияси, тушунчаларни шакллантириш, янги билимларни ўзлаштириш ва мустақил ишлаш технологиялари, айрим фаолият турлари ва алоҳида шахсий сифатларни тарбиялаш технологиялари, ўқув материалларини такрорлаш, ўзлаштиришни ва тарбияланганликни назорат қилиш технологиялари ҳамда айрим тадбирларни ташкил қилиш ва амалга ошириш технологиялари қиради.

Педагогик технология таснифи

Мактаблар ишининг ҳозирги назарияси ва амалиётида ўқув-тарбия жараёнининг кўплаб вариантлари мавжуд. Ҳар бир муаллиф ҳамда амалиётчи педагогик жараёнга ўзининг индивидуал улушини қўшади. Лекин кўп технологиялар ўз мақсадлари, мазмуни, қўлланиладиган методлари ва воситалари бўйича етарлича кўп ўхшашликларга эга ва уларни шу умумий белгиларига кўра тасниф қилиш мумкин.

Педагогик технологияларни қуйидаги белгиларига кўра тасниф қилинади:

- қўлланиш даражасига кўра;
- фалсафий асоси бўйича;
- асосий ривожлантирувчи омили бўйича;
- ўзлаштириш концепцияси бўйича;
- шахсий белги-сифатларига кўра йўналганлиги бўйича;
- мазмуни хусусиятлари бўйича;
- бошқарув тури бўйича;
- болага ёндашув бўйича;
- кўп қўлланиладиган методлари бўйича;
- таълим оловчилар тоифалари бўйича.

Шу юқорида айтилган тасниф асосида мисол сифатида ҳозирги анъанавий мактаб таълимини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- қўлланиш даражасига кўра: умумпедагогик;
- фалсафий асоси бўйича: мажбурлаш педагогикаси (умумий мажбурий таълим);
- асосий ривожлантирувчи омили бўйича: социоген, яъни асосий эътибор жамиятнинг фаол аъзолари бўлган баркамол инсонларни тарбиялашга қаратилган; шу билан бир вақтда биоген омилларга, яъни шахснинг ҳар томонлама ривожланишига ҳам эътибор қаратилган ҳолда;
- ўзлаштириш концепцияси бўйича: ассоциатив рефлексор бўлиб, суггестия (намуна, мисол, ўрнак, ибрат кўрсатиш)га таянган ҳолда;
- шахсий белги;
- сифатларга кўра йўналганлиги бўйича;
- ахборотли, яъни билим, малака, кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган;
- мазмуни хусусиятлари бўйича: дунёвий, технократик, умумтаълим мазмунида бўлиб, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва олиб боришда дидактикага марказий ўрин берилади;
- бошқарув тури бўйича: анъанавий-мумтоз (классик) бўлиб, унга таълимнинг техника воситалари қўшилган;
- болага ёндашув бўйича: авторитар;
- кўп қўлланиладиган методлари бўйича: тушунтириш-иллюстрациялаш;
- таълим оловчилар тоифалари бўйича: оммавий.

Шу билан бир вақтда, жамиятнинг ривожланиши алоҳида мамлакатларда ва умуман жаҳонда инсонпарвар фалсафий асосдаги янги педагогик технологияларни яратди. Булар ҳам юқорида айтилган белгиларга кўра қуйидагича тасниф қилиниши мумкин: ҳамкорлик педагогикаси, ўйин технологиялари, муаммоли таълим, программалаштирилган таълим, гуруҳли технологиялар ва бошқалар.

Педагогик технологияларни таснифлашда уларнинг энг яққол ажралиб турадиган хусусиятларига

асосланилади. Аслида эса ҳар бир педагогик технология соф ҳолда учрамайди, уларда бошқаларига хос бўлган элементлар албатта мавжуд бўлади.

Масалан, ақлий ҳужум, ишчанлик ўйини, ролли ўйин каби интерфаол машғулотлар таркибида ҳамкорлик, бола шахсига йўналтирилган, муаммоли, дидактик ўйин каби педагогик технологиялар элементлари албатта мавжуд. Худди шундай таҳлилни деярлик ҳар бир педагогик технология шакллари ва усуллариغا нисбатан ҳам ўтказиш ҳамда соф ҳолда ажратиш олиш мумкин бўлган алоҳида педагогик технология аслида амалда йўқлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Педагогик технологияларда қўлланиладиган модуллар ва алгоритмлар

Ҳар бир педагогик технология ўзига хос педагогик тизимдан иборат бўлиб, бу тизим модуллардан ташкил топади.

Педагогик технологиянинг чиндан ҳам мавжуд эканлигини ҳамда ишлатишга тайёрлигини унинг таркибидаги модуллар ва алгоритмлар қанчалик даражада тўлиқ ва пухта эканлиги билан белгиланади.

Модул ва алгоритм ҳар қандай технологиянинг асосий тушунчалари бўлиб, педагогик технология учун ҳам бу тушунчалар шунчалик аҳамиятли. Педагогик технологиядаги модул ва алгоритм тушунчалари бирмунча ўзига хос хусусиятларга эга.

Модул — педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлақлар, яъни модуллар энг кичик бўлақлардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик таркибий бўлақни энг кичик модул, бошқаларини эса ўз ичига қанча шундай модулни олишига қараб, тегишлича даражадаги модуллар дейилади.

Педагогик технологиянинг энг кичик модуллари энг асосий тушунча бўлиб, улар гўёки педагогик технологияни ҳосил қилувчи «ғиштча»лар вазифасини бажариши билан асосий аҳамиятга эга.

Бунда кичик модул, модул тўплами, бирламчи модул ва модул даражаси деган тушунчалардан фойдаланилади. Улар қуйидагича таърифланади:

Кичик модул — педагогик технология таркибидаги энг кичик бирликни ифодалайди. Амалда бундай кичик модулни ташкил қилувчи бошқа кичик модулларга ажратиш мумкин эмас деб ҳисобланади.

Бирламчи модул — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлашда дастлабки модул сифатида танланган ва ўз таркибига битта ёки бир нечта кичик модулларни оладиган модул тўплами.

Модул тўплами — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлаш мақсади асосида битта модул сифатида ҳисобланган бир нечта модуллар йиғиндиси.

Модул даражаси — педагогик технологияни тасвирлаш қўламига мувофиқ равишда танланган бирламчи модулларнинг ўз таркибида аслида қанча модулларга эга эканлиги кўрсаткичи.

Модул — педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлақлар, яъни модуллар энг кичик бўлақлардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик таркибий бўлақни энг кичик модул, бошқаларини эса ўз ичига қанча шундай модулни олишига қараб, тегишлича даражадаги модуллар дейилади.

Педагогик технологиянинг энг кичик модуллари энг асосий тушунча бўлиб, улар гўёки педагогик технологияни ҳосил қилувчи «ғиштча»лар вазифасини бажариши билан асосий аҳамиятга эга.

Бунда кичик модул, модул тўплами, бирламчи модул ва модул даражаси деган тушунчалардан фойдаланилади. Улар қуйидагича таърифланади:

Кичик модул — педагогик технология таркибидаги энг кичик бирликни ифодалайди. Амалда бундай кичик модулни ташкил қилувчи бошқа кичик модулларга ажратиш мумкин эмас, деб ҳисобланади.

Бирламчи модул — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлашда дастлабки модул сифатида танланган ва ўз таркибига битта ёки бир нечта кичик модулларни оладиган модул тўплами.

Модул тўплами — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлаш мақсади асосида битта модул сифатида ҳисобланган бир нечта модуллар йиғиндиси.

Модул даражаси — педагогик технологияни тасвирлаш қўламига мувофиқ равишда танланган бирламчи модулларнинг ўз таркибида аслида қанча модулларга эга эканлиги кўрсаткичи.

Педагогик технологиянинг модуллари қуйидагича даражаларга ажратилиши мумкин:

1. Бир машғулотни ўтказиш технологиясини ташкил қилувчи модуллар.
2. Ўқув фанининг бир мавзусини, бир бўлимини, бир қисмини ёки ҳаммасининг таркибий бўлақларини ҳамда ўқитиш технологиясини ташкил қилувчи модуллар. Уларни блоklar деб ҳам номланади.
3. Бир нечта турдош ўқув фанларининг таркибий бўлақларини ҳамда айрим фанларни ўқитиш технологиясини ташкил қилувчи модуллар (блоклар).
4. Давлат таълим стандартининг таркибий бўлақларини ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш технологияларини ташкил қилувчи модуллар.
5. Ўқув режа ва дастурларнинг таркибий бўлақларини ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш технологиясини ташкил қилувчи модуллар.
6. Таълим воситаларини ташкил қилувчи модуллар.

7. Педагогик технология жараёнида қўлланиладиган усулларни ташкил қилувчи модуллар.

Ушбу модуллар орасида бир ўқув машғулоти ўтказиш технологиясини ташкил қилувчи модуллар педагогик технология жараёнининг энг асосий бўғинини ташкил қилиши билан энг аҳамиятли ҳисобланади. Улар қуйидаги турларга ажратилади:

- машғулот мазмунини ташкил қилувчи асосий тушунчалар;
- шу тушунчаларни ўқувчиларга тушунтириш жараёнининг таркибий қисмлари;
- шу таркибий қисмларнинг ҳар бирида қўлланиладиган таълим-тарбия воситалари ва усуллари;
- ўқитувчининг машғулот давомида бажарадиган фаолиятини ташкил қилувчи модуллар;
- ўқувчиларнинг машғулот бошидан охиригача бўлган вақт давомида бажарадиган фаолиятларини ташкил қилувчи модуллар;

— ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш ишларини ташкил қилувчи модуллар ва шу кабилар.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, педагогик технология жараёнидаги модуллар таълим мазмуни, воситалари ва усулларининг ҳар бирига тегишли таркибий элементларни ташкил қилади. Бунда таълим мазмуни модуллари — ўргатилаётган ахборотнинг таркибини ташкил қилувчи бирликларни; таълим воситалари модуллари — шу воситаларнинг бирликларини; таълим усуллари модуллари шу усулларни амалга ошириш фаолияти давомида бажариладиган ҳаракатларни ташкил қилувчи бирликларни ифодалайди.

Модул ўзгармас, котириб қўйилган нарсга деб тушунилмаслиги керак. Аслида ҳар бир модул ўзига тегишли кичик мақсадни ифодалайди. Бу мақсадни амалга оширишда эса тегишли шароит учун энг маъқул деб топилган йўللар, усуллар, воситалардан фойдаланиш кўзда тутилади. Демак, модулда белгиланган мақсадни ўзгартирмаган ҳолда уни тўлиқ амалга оширишни таъминловчи, ўзаро фарқ қилувчи ҳар турли йўллари, усуллари, воситалари қўлланилиши мумкин.

Ушбу модулларни ажратиш белгилашда маълум тартибга риоя қилиш зарур.

Бунда, аввало, энг кичик ёки бирламчи модулни ажратилади. Уни педагогик технологияни турли даражасидан бошлаб ишлаб чиқишда турли катталиқда ажратиш мумкин. Масалан, бирорта фикрни тушунтириш юзасидан шу фикрни тушунтириш жараёнини бир бутун ҳолатда битта модул ҳисоблаш ҳам ёки шу жараёни бир нечта бўлақларга ажратиш, уларнинг ҳар бирини алоҳида модуллар деб ҳисоблаш ҳам, шунингдек, битта эмас, бир нечта ўзаро боғлиқ фикрларни тушунтириш жараёнини бир бутун ҳолда битта модул деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Шу тартибда энг кичик-бирламчи модулни ажратишда асосий шарт шу модул таркибида ҳамма зарур элементлар албатта сақланиши ва уларни исталган бошқа вақтда, бошқа жойда, бошқа тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассислар ва ўқувчилар томонидан олдиндан кўзда тутилган даражада бажариш имкониятини сақлашдан иборат.

Шундай тартибда белгиланган модулни энг кичик ёки бирламчи модул деб аталади. Шундай бирламчи модулларни зарур бўлган ҳолларда тартиб сонлари бўйича белгилаш учун “1 – модул”; “2 – модул” кўринишидаги ёзувлар билан ажратиш кўрсатиш ёки “модул” сўзини ёзмасдан, фақат тартиб сони орқали кўрсатиш мумкин. Бундай тартиб сонлари билан белгилаш орқали педагогик технологиянинг тўлиқ баён қилинишини таъминлаш ҳамда келгусида тўлиқ сақланишини назорат қилиш имконияти ҳосил бўлади.

Педагогик технология жараёнини тасвирлашда унинг кенгрок даражалардаги қўлланишини умумлаштириб тасвирлаш лозим бўлган ҳолларда, одатда, шундай бирламчи модулларнинг жамини алоҳида кўрсатиш шарт бўлмайди. Бундай мақсадлар учун бир нечта бирламчи модулларнинг тегишли нуқтаи назардан ўзаро боғлиқликларини ёки мосликларини ҳисобга олган ҳолда умумлаштириб ҳосил қилинган тўпламини айрим модул сифатида кўрсатилади.

Бундай тартибда ҳосил қилинган модул даражали модул деб аталади ва уни ёзма шаклда белгилашда ўз таркибида нечта бирламчи модул бор бўлса, шунча даражали эканлиги кўрсатиб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Буни “1 – модул (4)” ёки “1(4)” кўринишида белгилаш мумкин. Бунда шу модулнинг тасвирланган педагогик технология жараёнидаги тартиб сони биринчи эканлиги ҳамда ўз таркибига 4 донга бирламчи модулни олиши, яъни тўртинчи даражали модул эканлиги шартли равишда кўрсатилган.

Ушбу тартибларга риоя қилинганда ҳар бир тасвирланаётган педагогик технология жараёни таркибида бўлган жами бирламчи модуллар сони ҳамда уларнинг тўпламларидан иборат даражали модуллар сони қанча эканлиги маълум бўлади ва тўлиқ ҳисобга олинади. Бунинг натижасида тасвирланаётган педагогик технология жараёни тўлиқ акс эттирилиши таъминланади.

Юқорида айтилгандек, ўқув фани бир мавзусининг таркибий бўлақларини ҳамда ўқитиш технологиясини умумлаштириб, битта модул сифатида белгилаш, шу ўқув фанига доир ҳар турли масалаларни ҳал қилиш мақсадида қўлланилади. Бу ерда шу ўқув фанининг бир мавзуси ўрнига унинг бир бўлимини, бир қисмини ёки ҳаммасини битта модул сифатида белгилаш ҳам шунга ўхшаш мақсадларда қўлланилади. Уларни, юқорида айтилгандек, **блоклар** деб номлаш ҳам мумкин.

Бундай модулларни белгилашда уларнинг ўзини шартли равишда бирламчи модул деб ҳисоблаш ва шунга мувофиқ тартибда белгилаш ҳам мумкин.

Бундай модулларни даражали модул сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда эса улар учун бирламчи модулларни шартли равишда педагогик технологиянинг қайси даражасидаги модулларидан бошлаб ҳисоблаш белги-лаб олинади. Шунга мувофиқ равишда модулнинг даражасини белгилаш мумкин бўлади.

Модулнинг даражаси шу тартибда кўрсатилган ҳолда педагогик технологияни қайси бирламчи даражадан бошлаб тасвирланаётган бўлса, шунга мос равишда тўлиқ акс эттириш таъминланади.

Педагогик технология материалларини юқорида айtilган тартибда модулларга ажратиш жараёни **модуллаштириш** деб аталади. Модуллаштиришни тегишли материалларни тайёрлаш жараёнида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу билан бирга илгари тайёрланган материаллар асосида ҳам модуллаштириш амалга оширилиши мумкин.

Модулларни ҳамма ҳолларда ҳам тартиб сонлари ва даражаларини кўрсатган ҳолда белгиланмайди. Лекин бундай ҳолда педагогик технологиянинг тўлиқ баён қилинганлигини асосли қафолатлаш қийин бўлади.

Давлат таълим стандарти, ўқув режа ва дастурлар ҳам зарур ҳолларда юқоридаги тартибда модуллаштирилиши мумкин.

Таълим воситаларини ҳар бир машғулоти учун, айрим мавзу, бўлим, қисм ва умуман, бир ўқув фани учун зарурлиги даражасига мувофиқ модуллаштириш мумкин.

Шунингдек, таълим жараёнида қўлланидиган усулларни ҳамда ўқитувчи фаолиятини ва ўқувчи фаолиятини ҳам зарур деб ҳисобланган ҳолларда алоҳида модуллаштириш мумкин.

Алгоритм – педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари) ўзаро жойлашувининг ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартибини (қоидасини) билдиради.

Педагогик технологияни шундай тартибда ишлаб чиқиш уни **алгоритмлаштириш** дейилади. Алгоритм ҳар қандай технологияга хос бўлиб, шу жумладан, педагогик технологияда ҳам уни маълум тартиб (қоида)га мувофиқ олиб бориш орқали аввалдан белгиланган мақсадга эришиш қафолатини амалга оширилади.

Одатда, педагогик технологияни лойиҳалашда олдин унинг алгоритми ишлаб чиқилади. Шу алгоритмга мувофиқ ҳолда модулларнинг ўзаро жойлашиш тартиби аниқланади.

Педагогик технологияда алгоритмлар алоҳида машғулоти ёки унинг бирор. бўлаги алгоритми, ўқув фанини ўқитишнинг умумдидактик изчиллиги алгоритми, ўқитувчи фаолиятининг, ўқувчи фаолиятининг, ўзлаштиришни назорат қилиш жараёнининг, мактабни бошқариш жараёнининг алгоритми каби турларга бўлинади.

Педагогик технологияни алгоритмлаштиришнинг бир-ламчи даражаси машғулоти жараёнидаги педагогик фаолиятнинг энг кичик бўлаклари ўзаро жойлашувини ҳамда шу жараёнида амалга ошириш кетма-кетлигини белгилашдан бошланади. Уларни **бирламчи алгоритмлар** дейилади. Ҳар бир белгиланган алгоритмни тартиб сони билан ажратиш мақсадга мувофиқ. Шунда тегишли алгоритмлар тўлиқ акс этганлигини кўрсатиш ва уларнинг сақланишини назорат қилиш мумкин бўлади.

Шу билан бирга, бирламчи алгоритмни мақсадга мувофиқ ҳолларда педагогик технологиянинг бошқа даражаси (масалан, бир ўқув машғулоти битта алгоритм сифатида белгилаш ва шу кабилар) дан бошлаб ҳам белгилаш мумкин. Педагогик технология алгоритмларини ҳам зарур ҳолларда юқорида айtilган модулларни белгилаш тартибига ўхшаган шаклларда белгилаш мумкин.

Алгоритмлаш орқали педагогик технологияни тегишлича тайёргарликка эга бўлган мутахассислар томонидан олдин-дан белгиланган мақсадларнинг тўлиқ амалга оширилишини қафолатлаган ҳолда амалга ошириш имконияти яратилади.

Модуллаштириш ва алгоритмлаш маданияти таълим – тарбия жараёнида одат тусига кирган ҳолдагина турли даражалардаги педагогик технологияларни яратиш ва амалда қўллаш фаолияти янада кенг ривожлана боради.

Педагогик технологияларни амалда қўллашда нималарни ҳисобга олиш керак?

Ўқув фанларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар бир фан учун айрим педагогик технологияларни кўпроқ мос деб ҳисоблаш тўғрисидаги фикрлар учрайди. Бу ҳақда айтиш мумкинки, аслида умумтаълим мактабида қўлланилаётган барча педагогик технология турларини деярлик ҳамма фанларни ўқитишда қўллаш мумкин. Гап фақат қай-сидир фан учун қайсидир технология бошқаларга нисбатан кўпроқ қўлланиши ҳақида бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, бирор фан бўйича айрим мавзудаги дарсни ташкил қилиш ва амалга оширишда энг аввало, барча ўқувчилар пухта ўзлаштиришини таъминлайдиган педагогик технологияни танлаш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, бир хил дарс усулларини кўп қўллаш натижасида, уларнинг ўқувчилар учун қизиқарлилиги пасайиб, қадрсизланишига йўл қўйиш мумкин эмас. Бу масалада ҳисобга олиниши лозим бўлган асосий омиллардан бири ўқув вақтидан унумли ва тежамли фойдаланишга эришиш ҳисобланади.

Шу муносабат билан ҳар бир дарс мавзусини кам- вақт сарфлаб, юқори самара билан ўзлаштиришга эришишни на-зарда тутиш лозим. Бунинг қанчалик жиддийлигини ҳозирда ўқув фанлари учун ажратилган ўқув соатлари қатъий чек-ланганлиги ва олимлар, методистлар, амалиётчи педагоглар айнан ўз фанлари бўйича ўқув соатлари қўпайтилиши лозимлигини асослашга интилишлари кўрсатиб турибди.

Маълум ўқув ахборотини ўқувчилар ўзлаштиришини таъминлашда турли педагогик технологиялар учун турлича миқдорда вақт талаб қилинади.

Бу масала бўйича тадқиқотлардан маълум бўлишича, бир хил ҳажмдаги ахборотни ўқувчиларга муаммоли таълим усулида етказиш учун анъанавий ўқитишга нисбатан бирмунча кўп вақт талаб

килинади. Халқаро амалиётда аниқланган статистик маълумотларга кўра, маъруза шаклидаги 100 ҳафталик ўқув курси муаммоли таълим шаклидаги, тахминан 120 ҳафталик ўқув курсига тўғри келади. Шу билан бирга, муаммоли таълим методикалари бўйича машғулотларга тайёргарлик кўриш маърузаларга тайёргарлик кўришга нисбатан бирмунча кўп вақт талаб қилади. Ўқитувчи тайёргарлик кўриш учун ҳафтасига 8,6 соат ўрнига 20,6 соатга яқин вақт сарф қилади. Бунда ҳозир, ҳаттоки, анъанавий ўқитишнинг ўзи ўқувчиларга барча талаб қилинадиган билим, кўникма, малакалар ҳажмини етказиб бериш учун вақт етишмаслиги ҳолатида эканлигини ҳам ҳисобга олишимиз керак.

Худди шунингдек, бир хил ҳажмдаги ўқув ахборотини ўқувчиларга етказиш учун турли педагогик технологиялардан фойдаланилганда, турлича миқдордаги ўқув вақти сарфланиши маълум. Масалан, интерфаол таълимда, одатда, бошқа методларга нисбатан кўп вақт сарфланади.

Ундан ташқари, интерфаол усуллар ҳамма дарс мавзулари учун бир хилда қулай эмас. Лекин бу методни ҳам қайси дарс мавзулари учун қулайлигини аниқлаб ҳамда олдиндан пухта ўйлаб, тежамли ва унумли ташкил қилиш мумкин.

Бундан хулоса чиқариш мумкинки, ҳар бир дарс мавзуси бўйича педагогик технологиялар орасидан энг унумли ва тежамлисини илмий, методик ва амалий жиҳатлардан тўғри танлаш зарур.

3 – Мавзу: Муаммоли таълим машғулотларини ташкил этиш ва бошқариш.

(2 соат маъруза)

Мақсад: Курс тингловчиларига муаммоли таълим машғулотларини ташкил этиш ва бошқариш бўйича маълумот бериш. Улар ўз мутахассислик фанлари бўйича ўзлари танлаган мавзудаги дарсни энг мақсадга мувофиқ муоммоли ўқитиш турларидан фойдаланиб дарс ишланмалар лойҳаларини яратиш.

Қутилиётган натижа: Тингловчилар ўқув фани ва дарслар мавзусини ўргатишда улар билан боғлиқ муоммоли масалаларни белгилаш, уларда муоммоли вазиятлар ҳосил қилиш ва амалда фойдаланишда олдиндан режалаштириб бориш бўйича билим, кўникма ва малакалари ошади.

Режа:

1. Муаммоли таълимнинг бош мақсадлари.
2. Муаммоли вазият яратиш усуллари.
3. Муаммоли вазиятни ечишда қўлланиладиган усуллар.
4. Муаммоли таълим машғулотларини ташкил этиш ва бошқариш.
5. Фанлар бўйича муаммоли таълим машғулотлари ишланмаларини тайёрлаш ва амалда қўллаш машқларини бажариш ва таҳлил қилиш.

Муаммоли таълим технологиялари ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган. Муаммоли таълим технологиясининг асри инсоннинг фикрлаши муаммоли вазиятни ҳал этишдан бошланиши ҳамда унинг муаммоларни аниқлаш, тадқиқ этиш ва ечиш қобилиятига эга эканлигидан келиб чиқади. Муаммоли таълим ўқувчиларнинг ижодий тафаккури ва ижодий қобилиятларини ўстиришда жиддий аҳамиятга эга.

Муаммоли таълимнинг бош мақсади — ўқувчиларнинг муаммони тўлиқ тушуниб етишига эришиш ва уларни ҳал эта олишга ўргатишдан иборат. Муаммоли таълимни амалиётда қўллашда асосий масалалардан бири ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ муаммоли вазият яратишдан иборат.

Турли ўқув фанлари бўйича ўқитувчилар дарслар жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил қилишни ва уларни ечиш усуллари олдиндан кўзда тутишлари керак.

Муаммоли вазият яратиш усуллари:

— ўқитувчи ўқувчиларга дарс мавзуси билан боғлиқ зиддиятли ҳолатни тушунтиради ва уни ечиш

йўлини топишни таклиф қилади;

— бир масалага доир турли нуктаи-назарларни баён қилади;

— ҳал этиш учун етарли бўлмаган ёки ортиқча маълумотлар бўлган ёки саволнинг қўйилиши нотўғри бўлган масалаларни ечишни таклиф этади ва бошқалар.

Муаммоли вазиятни ҳал этиш даражалари:

— ўқитувчи муаммони қўяди ва ўзи ечади;

— ўқитувчи муаммони қўяди ва унинг ечимини ўқувчилар билан биргаликда топади;

— ўқувчиларнинг ўзлари муаммони қўядилар ва унинг ечимини топадилар.

Муаммоли вазиятни ечишда қўлланиладиган усуллар:

— муаммони турли нуктаи назардан ўрганиш, таҳлил қилиш;

— солиштириш, умумлаштириш;

— вазиятга боғлиқ хулосалар чиқариш;

— ўқувчиларнинг ўзлари аниқ саволлар қўйиши ва бошқалар.

Муаммоли таълим технологияси жуда қадим замонлардан шаклланиб келмоқда. Жумладан, Қадимги Грецияда муаммоли савол - жавоблар, Қадимги Ҳиндистон ва Хитойда муаммоли баҳс - мунозаралардан кенг фойдаланилган. Муаммоли таълимни америкалик психолог, файласуф ва педагог Дж. Дьюи 1894 йилда Чикагода ташкил этган тажриба мактабида қўллаган. XX асрнинг 60-йилларида бу йўналишда тадқиқотлар олиб борилди. 70 —80-йилларга келиб, амалиётга кенг жорий этилди.

Муаммоли таълимнинг асосий ғояси билимларни ўқувчиларга тайёр ҳолда бериш эмас, улар томонидан дарс мавзусига тегишли муаммолар бўйича ўқув-тадқиқотларини бажариш асосида ўзлаштирилишини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистонда муаммоли таълимни қўллаш бўйича бир неча асрлар давомида мактаб ва мадрасаларда суқротона савол-жавоб усулидан кенг фойдаланиш асосида ўқувчиларда зийраклик, ҳозиржавоблик сифатлари ҳамда гўзал нутқ таркиб топтирилган.

Суқротона савол-жавоб усули ҳозиргача энг самарали таълим усулларида бири сифатида қўлланилади. Бунда ўқувчи чуқур мантикий фикрлашга, зийракликка, аниқ ва тўғри сўзлашга, нутқнинг мантикийлиги ва равлонлигига ҳамда танкидий, ижодий фикрлашга ўргатилган. Масалан, суқротона суҳбатлар деганда ўқитувчининг ўқувчини мустақил ва фаол фикрлаш жараёнига олиб кириши ҳамда унинг фикрлашидаги нотўғри жиҳатларни зийраклик билан аниқлаган ҳолда уларни тузатиш йўлига олиб чиқишдан иборат усуллар назарда тутилади.

Бундай суҳбат босқичларини қуйидагича соддалаштириб ифодалаш мумкин:

1. Савол-жавоблар орқали ўқувчининг билим даражаси ва фикрлаш қобилиятини умумий тарзда аниқлаш.
2. Ўрганилаётган мавзунинг мазмунини ўқувчи мотивларига мувофиқлаштириш. Бу асосан, ўқувчининг қизиқиш ва қобилиятларига мос бўлган мисоллар танлаш орқали амалга оширилади.
3. Ўқувчини фаол мулоқотга олиб кириш. Бунда асосан рағбатлантириш усулларида фойдаланилади.
4. Ўқитувчи ўзини билмайдиган одамдек, ўқувчидек тутиб, саволлар бериб боради.
5. Ўқувчининг тўғри фикрларини мақташ орқали уни янада эркин ва чуқурроқ фикрлашга, сўзлашга жалб қилиш.
6. Ўқувчининг хато фикрларини аниқлаб бориш.
7. Ўқувчининг хато фикрларига нисбатан тўғри фикрни ўқитувчи томонидан яққол мантикий асосланган шаклда баён қилиш ёки тушунтириш орқали ўқувчи учун муаммоли вазият яратилади ва ўқувчини ўз хатоларини ўзи тузатишига йўналтирилади.

Бундан кўриниб турибдики, ушбу усул юқори натижа бериши шубҳасиз бўлиб, аммо бунинг жиддий шартлари ҳам мавжуд. Булар ўқитувчининг кенг билимга ва ижодий фикрлаш қобилиятига, юқори мулоқот маданиятига, педагогик маҳоратга эга бўлиши кабилардан иборат.

Муаммоли таълим машғулотларини ташкил этиш ва бошқариш

Муаммоли таълим машғулотларини ташкил этиш ва бошқариш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- ўқув фани ва дарслар мавзусини ўргатишда улар билан боғлиқ муаммоли масалаларни белгилаш;
- улардан муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш ва амалда фойдаланишни олдиндан режалаштириб бориш;
- ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш;
- зарур ўқув воситаларини тайёрлаш;
- муаммоли вазиятдаги мавжуд зиддиятни кўрсатиш;
- топшириқни ва уни ечиш учун етарли шартларни аниқ баён қилиш;
- ўқувчиларнинг муаммони ҳал этишда йўл қўяётган хатоларини, уларнинг сабабини ва хусусиятини кўрсатиш;
- ўқувчиларнинг нотўғри тахминлари асосида чиқарган хулосалари оқибатини муҳокама этиб, тўғри йўлни топишларига қўмаклашиш ва бошқалар.

Муаммоли таълим жараёнини қуйидаги учта асосий босқичга ажратиш мумкин:

1. Муаммоли вазият ҳосил қилиш.
2. Муаммони ечиш тахминларини шакллантириш.
3. Ечимнинг тўғрилигини текшириш (олинган ечим билан боғлиқ ахборотни тизимлаштириш орқали).

Муаммоли вазият ҳосил қилишда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим: Муаммолар назарий ёки амалий йўналишда бўлади. Дарсда ҳосил қилинадиган муаммоли вазият ҳамда ўқувчиларга ҳал этиш таклиф этиладиган муаммога қўйиладиган энг асосий талаб ўқувчиларнинг қизиқишини оширадиган, энг камида эса ўқувчиларда қизиқиш ҳосил қиладиган бўлиши кераклигидан иборат. Акс ҳолда кўзда тутилган натижага эришиш имкони бўлмайди.

Муаммо ўқувчиларнинг билим даражаларига ҳамда интеллектуал имкониятларига мос бўлиши шарт.

Ҳосил бўлган муаммоли вазиятни ечиш учун топшириқлар янги билимларни ўзлаштиришга ёки муаммони аниқлаб, яққол ифодалаб беришга ёки амалий топшириқни бажаришга йўналтирилган бўлади.

Ўқувчиларнинг муаммоли вазиятни тушунишлари, унинг келиб чиқиши сабаблари ҳамда нималарга, қанчалик даражада боғлиқлигини идрок қила олишлари натижасида ҳосил бўлади. Бундай тушуна олиш эса ўқувчиларга мустақил равишда муаммони ифодалай олиш имкониятини беради.

Муаммони ечиш тахминларини шакллантиришда ўқувчи ўзлаштирган билимлари асосида кузатиш, солиштириш, таҳлил, умумлаштириш, хулоса чиқариш каби ақлий фаолиятларни бажаради.

Ақлий фаолиятдаги асосий жараён фикрлаш жараёни бўлиб, фикрлашнинг сифати унинг мантикийлиги, мустақиллиги, ижодийлиги, илмийлиги, асослилиги, узвийлиги, тежамлилиги, мақсадлилиги, тезлиги, таҳлилилиги, қиёсийлиги, умумлаштирилганлиги, хусусийлаштирилганлиги, кенглиги, чуқурлиги, ишонарлилиги, реаллиги, ҳаққонийлиги даражаси билан белгиланади.

Шу билан бирга интеллектуал сифатлар хотира, тасаввур, англаш ва Шу каби психологик жараёнларнинг тезлиги ҳамда бошқа параметрлари билан боғлиқ.

Интеллектуал тараққиёт даражаси ўқитувчиларда ҳамда ўқувчиларда қанча юқори бўлса, шунчалик яхши натижаларга эришиш имконияти ҳосил бўлади.

Шунга кўра ўқувчиларда муаммони сезиш, уни аниқлаш, ечимига доир тахминни тўғри белгилаш ва ечимнинг тўғрилигини текшириш қобилиятлари ривожланиб боради.

Муаммони ҳал этишни 3 та босқичга ажратиш мумкин:

1. Исботлаш — бу муаммонинг илгари тўғри деб тан олинган сабаблар билан боғлиқликларини топиш асосида амалга оширилади.
2. Текшириш — бундан танланган сабабнинг оқибатида ҳал этилаётган муаммо ҳосил бўлиши тўғрилигини асослаш билан амалга оширилади.
3. Тушунтириш — бу муаммонинг ечими нима учун тўғрилигини тасдиқловчи сабабларни аниқлаш асосида амалга оширилади.

Фанлар бўйича муаммолар таълим машғулоти ишланмаларини тайёрлаш ва амалда қўллаш машқларини бажариш

Мактабда ҳар бир ўқитувчи айрим турдаги муаммоларни ўқитиш машғулоти ўқув материалларини амалда қўллаш учун тайёрлашини ташкил қилиш лозим. Ўқитувчилар ўз мутахассислик фанлари бўйича ўзлари танлаган мавзудаги дарсни энг мақсадга мувофиқ муаммоларни ўқитиш турларидан фойдаланиб ўтказиш юзасидан дарс ишланмаси тайёрлайдилар ва унинг асосида метод бирлашма аъзолари иштирокида шу машғулотни баён қилиб берадилар ва тегишли муҳокама ўтказилади.

Педагогик технологияларга асосланган дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш.

Бу машғулотлардан мақсад — ўқитувчиларни замонавий педагогик технологияларни амалда қўллаш юзасидан илғор тажрибалар билан таништириш ҳисобланади. Шу мақсадда ўқитувчилар ўз фани бўйича илғор тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш ва таҳлил қилишлари ташкил этилади. Бунда улар кузатишган дарсни таҳлил қилиш тартибини олдиндан ўзлаштирган бўлишлари ҳамда таҳлил жараёнида турли шарт-шароитларни ҳисобга умумлаштириб, тавсиялар, таклифлар билдиришлари назарда тутилади.

Интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари

Интерфаол машғулотлар ўзига хос ташкилий тузилишга эга бўлиб, уни ташкил қилиш ва олиб бориш бўйича фаолият турлари алоҳида ажратилган ва ҳар бири бўйича алоҳида вазифалар шаклида номлар берилган. Бунда бир машғулот жараёнида шу машғулотни олиб боровчи бир вақтда ушбу турли вазифаларни бажариши кўзда тутилади. Шу билан бирга бир машғулотни икки ёки уч педагог ёки ёрдамчилар биргаликда олиб бориши ҳам қўлланилади. Улар бажарадиган вазифаларига кўра қуйидагича номланадилар:

1. **Модератор** — таълим мазмунини яратиш, модулларини ишлаб чиқиш.
2. **Тренер** — ўқувчиларнинг кўникмаларини ривожлантирувчи машқлар ўтказувчи махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис.
3. **Тютор** — масофадан ўқитиш дастурларини яратиш ва бажарилишини таъминлаш.
4. **Фасилитатор** — дарсда кўмакчи, йўналтирувчи, жараёнга жавоб бермайди, ҳулоса чиқармайди.
5. **Ментор** — устоз, ўргатувчи (якка ва гуруҳли тартибда).
6. **Коуч** — таълим олувчиларнинг тўлиқ ўзлаштиришлари учун ёрдам кўрсатувчи репетитор, инструктор, тренер. Амалиёт давомида амалий машғулотни, иш жараёнини назорат қилувчи, кузатувчи. (Коучинг-имтиҳонларга ёки спорт бўйича тайёргарлик кўриш).
7. **Консультант** — маслаҳат бериш, тушунтириш, қўшимча маълумот бериш.
8. **Лектор** — назарий маълумотлар билан таништирувчи.
9. **Эксперт** — кузатиш, таҳлил, текшириш, ҳулоса, тавсия, таклиф, мулоҳаза билдириш.
10. **Инноватор** — янгиликларни таълим мазмуни ва машғулотлар жараёнига жорий қилиш.
11. **Коммуникатор** — ўзаро мулоқотларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, такомиллаштириш.
12. **Ўқитувчи** — машғулот мавзуси бўйича кўзда тутилган мазмунни тушунтириш, ўқув жараёнига раҳбарлик.
13. **Менеджер** — ташкилий-педагогик ва иқтисодий масалаларни ҳал этиш.
14. **Спектер** — кузатиш, таҳлил қилиш ва ҳулосаларни баён қилиш.
15. **Ассистент** — машғулот учун тайёрланган воситаларни амалда қўллашга тайёрлаш, машғулот иштирокчиларига ёрдам кўрсатиб туриш.
16. **Котиб** — зарур маълумотларни ёзиб бориш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, ўрнатилган тартибда сақлаш.
17. **Технолог** — педагогик технология мутахассиси. Замонавий педагогик технологиялар асосидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиб боради.
18. **Методист** — таълимтарбия методлари бўйича мутахассис. Дастурларни ишлаб чиқишда ва амалга ошириш жараёнида методик масалаларни ҳал этиб боради.
19. **Координатор** — лойиҳалар, дастурларни ишлаб чиқишга раҳбарлик, уларни амалга оширишни

режалаштириш, мувофиқлаштириш, ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал этиш.

20. **Ўқувчилар** — таълим олувчилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, интерфаол таълим бир вақтда бир нечта масалани ҳал этиш имкониятини беради. Булардан асосийси ўқувчиларнинг мулоқот олиб бориш бўйича кўникма ва малакаларини ривожлантиради, ўқувчилар орасида эмоционал алоқалар ўрнатилишига ёрдам беради, уларни жамоа таркибида ишлашга, ўз ўртоқларининг фикрини тинглашга ўргатиш орқали тарбиявий вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, амалиётдан маълум бўлишича, дарс жараёнида интерфаол методларни қўллаш ўқувчиларнинг асабий зўриқишларини бартараф қилади, улар фаолиятининг шаклини алмаштириб туриш, диққатларини дарс мавзусининг асосий масалаларига жалб қилиш имкониятини беради.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008.
2. И.А.Каримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Шарк», 1997.
3. Алиев М.Ч., Исламбекова С.Ю., Данияров Б.Х. Дидактический материал для организации текущего конт-роля на уроках русского язмка в школах с узбекским языком обучения. (Новое педагогические технологии). Методическое пособие для учителей. Т.-"Учитель Узбекистана". 2008.
4. Ахлидинов Р. Мактабни бошқариш санъати. -Т. «Фан», 2006.
5. Жўраев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. Тошкент- 2006.
6. Замонавий дарс. Илмий-методик тўплам. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ. – Т- 2007.
7. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Қўлланма. — Т- «Ўқитувчи», 2004.
8. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Мактабнинг ўқув йили иш режасини тузиш технологияси. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ. – Т- 2006.
9. Колеченко А.Е. Энциклопедия педагогических технологий: пособие для преподавателей. -2002..
10. Питюков В.Ю. Основм педагогической технологии М.: «Гном-Пресс», 1999.
11. Платонов К.К. Краткий словарь системм психологических понятий. М.: «Висшая школа», 1981.
12. Селевко Г.К. Современние образовательньте технологии. М.: «Народное образование», 1998.
13. Селевко Г.К. Технологии педагогических советов. Журнал «Школьною технологии», №3, 1998. М.: «Народное образование», 1998.
14. «Таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусидаги семинар-тренинг материаллари. Т- 2002 й.
15. Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. Т- Ўз ПФИТИ, 1999 й
16. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикий асослари (ўқув қўлланма).Т- «Фан»нашриёти, 2006.
17. Толипова Ж.О. Педагогик технологиялар- дўстона мухит яратиш омили. Т- ЮНИСЕФ, 2005.
18. Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари бошқарув фаолиятининг назарий асослари. Т- «Фан», 2006.
19. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т- «Ўқитувчи», 1975.
20. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. Т- «Фан», 2000.
22. Ўзбек педагогикаси антологияси (1-жилд). Т- «Ўқитувчи», 1995.
23. Курбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. Т.-«Турон-Иқбол», 2006.

